

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № 1

21 январь 2022 йил

Термиз шаҳри

«Термиз оқшоми» газетаси таҳририяти, бундан буён «Ижрочи» деб аталувчи, раҳбари А.Г.Саидмаликов, Низом асосида иш юритувчи бир томондан ва Термиз Абу Али ибн Сино номидаги жамоат саломатлиги техникуми, бундан буён «Обуначи» деб аталувчи, раҳбари Я.М.Файзиев, Низом асосида иш юритувчи иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида шартнома тузадилар:

1. Шартнома предмети

1.1.«Ижрочи» «Обуначи» томонидан буюртма қилинган «Термиз оқшоми» газетасига обуна қилади ҳамда унинг манзилига газетани почта орқали етказиб бериш ишларини бажариб берадди, «Обуначи» эса иш ҳажми бўйича бажарилган (хизматлар) ишларини қабул қилиб, мазкур шартнома шартлари асосида тўловларни амалга оширади.

№	Иш(хизмат) лар номи	Обуна муддати	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	ҚҚС сиз	ҚҚС		Умумий суммаси
							Ставка	Сумма	
1.	«Термиз оқшоми» газетаси	йиллик	дона	20	200 000	4000 000	15%	600000	4600 000
	Ж А М И			20	200 000	4000 000	15%	600000	4600 000

2.Бажариладиган иш ҳажмининг нархи ва умумий қиймати

2.1.Бажариладиган иш ҳажмининг умумий қиймати Республикамиз миллий валютаси сўмда белгиланади.

2.2. Шартнома умумий суммаси Тўрт миллион олти юз минг (15% ҚҚС билан) сўмни ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. Бажариладиган иш ҳажмини тўлиқ қийматининг 100%и миқдорда 10 банк кунда «Ижрочи»нинг махсус ҳисоб рақамига (сумда) олдиндан тўловни амалга оширади.

3.2. «Обуначи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1. банди талаблари бажарилмаган тақдирда «Ижрочи» шартномада кўрсатилган иш ҳажмини бажармасликка ҳақли бўлади.

4. Ишнинг бажарилиш тартиби

4.1. Шартноманинг умумий суммасидан чиқмаган ҳолда «Ижрочи» шартномада кўрсатилган ишларни тўлиқ бажариши шарт.

4.2. Бажариладиган иш ҳажми шартноманинг умумий суммасидан ошса «Обуначи» ва «Ижрочи» томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сонли қарори талаблари асосида бюджет маблағлари доирасида ўзгартириш киритиши ёки бекор қилиниши мумкин.

4.3. Шартномада кўрсатилган иш ҳажмини «Ижрочи» «Обуначи»га топширгандан сўнг иш тўлиқ бажарилган ҳисобланади.

5. Томонларнинг мажбуриятлари

5.1. «Ижрочи» мажбуриятлари:

• Олдиндан тўлов амалга оширилгандан сўнг, шартномада кўрсатилган, иш ҳажмини бажаришни бошлайди.

• «Ижрочи» ишларни сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлайди.

• Иш жараёнида «Обуначи» аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиб боради.

5.2. «Обуначи» мажбуриятлари:

• Бажарилган иш ҳажмини қабул қилиб олгунча «Ижрочи» иштирокида бажарилган ишни обдон кўздан кечиради ва унинг сифатига яроқлилигига эътибор беради;

• Агар бажарилган иш талабга жавоб бермаса, яъни сифатсиз булса, «Обуначи» қабул қилмасликка ва сифатсиз бажарилган иш қисмини қайтадан тўлиқ, сифатли, бажариб беришини талаб қилишга ҳақли бўлади.

6. Томонларнинг жавобгарлиги

6.1. Томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекс ва 29.08.1998-йилдаги 670-1-сонли «Хўжалик юритувчи

